ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

БЕРДИЕВА УГУЛОЙ АБДУРАХМАНОВНА

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА СОЛИҚЛАРНИНГ ЙИҒИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

УЎК: 336.22(575.1)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по экономическим наукам

Content of dissertationabstract of doctor of philosophy (PhD) on economical sciences

Бердиева Угулой Абдурахмановна
Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш йўллари.....3

Бердиева Угулой Абдурахмановна
Пути повышения собираемости налогов в условиях либерализации экономики.....28

Berdieva Uguloy Abdurakhmanovna
Ways of increasing tax collection in the conditions of economic liberalization.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published orks.....59

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

БЕРДИЕВА УГУЛОЙ АБДУРАХМАНОВНА

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА СОЛИҚЛАРНИНГ ЙИҒИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2019

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Iqt803рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш web саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Жўраев Абдуғаффор Сафарович** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Жумаев Нодир Хосиятович** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
	Тўраев Шавкат Шухратович иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “__ ___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, АмирТемур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.:(99871)-234-53-34, факс: (99871)-234-46-26, e-mail:admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60Ауй. Тел.:(998)71-234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил “_ ___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “____ _” _____ даги № _ ___ рақамли реестр баённомаси).

Б.Э.Ташмурадова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

С.У.Меҳмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д.,профессор

Ж.И.Каримқулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон солиқ амалиёти тасдиқлашича, солиқ сиёсатининг ҳозирги замон талабларига мослашувчанлигини таъминлашнинг диққат марказида - солиқлар йиғилувчанлигини ошириш масаласи ётмоқда. Мазкур жиҳат солиқлар йиғилувчанлигини оширишга оид амалиётнинг самарали тадбирларига жиддий эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасида замонавий талабларга жавоб берадиган солиқ тизими модернизацияси ва самарали солиқ маъмуриятчилигининг шаклланиши, унинг тараққиёти иқтисодиёт равнақи учун муҳим механизм эканлиги солиқ тизимидаги шиддатли ислоҳотларнинг боришини, бу соҳага оид солиқ амалиётидаги тизимли ўзгаришларни реал баҳолашнинг аҳамиятини белгилайди. Умуман, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида янги талаблар асосида солиқлар йиғилувчанлигини ошириш масалаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон солиқ амалиётида солиқлар йиғилувчанлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларда хуфиёна иқтисодиёт улушини камайтириш ҳисобига солиқлар йиғилувчанлигини сезиларли тарзда ошириш, солиқ маъмуриятчилигидаги самарасиз харажатларни қисқартириш йўналишлари очиб берилган. Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, айрим мамлакатларда солиқлар йиғилувчанлиги ҳолатининг юқори даражаси солиқ аҳлоқи ва маданиятининг юқорилиги ҳамда солиқ қонунчилигининг барқарорлиги билан боғлиқ бўлса, бошқаларида иқтисодиётда солиқ юкининг юқорилиги, самарасиз имтиёзлар ва солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги боис солиқлар йиғилувчанлиги ҳолатининг паст даражаси мазкур тизимдаги ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни кўрсатмоқда. Юқорида келтирилган масалалар солиқлар йиғилувчанлигини оширишнинг назарий ва амалий муаммолари мавжудлигини кўрсатмоқда ва уларни чуқур илмий тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда солиқлар йиғилувчанлигини оширишга қаратилган давлат тадбирлари таркибида солиқ тўловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда ижро этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш - иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш”[1]нинг энг муҳим шартлари ҳисобланади. Ҳозирда солиқ юкини оширмаган ҳолда солиқ базасини кенгайтириш орқали солиқлар йиғилувчанлигини кўтариш, хуфиёна иқтисодиёт улушини камайтириш ҳисобига солиқлар йиғилувчанлигини сезиларли тарзда ошириш, солиқ маъмуриятчилигидаги самарасиз харажатларни қисқартириш каби самарали тадбирлар

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони.

аҳамиятининг ошганлиги Ўзбекистон Республикасида ҳам солиқлар йиғилувчанлигини оширишга қаратилган солиқ амалиётини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги, 2019 йил 26 сентябрь ПФ-3857-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сонли “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги, 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПҚ-4389-сонли Қарори ва у асосида “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси“, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сонли “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиққа тортишнинг назарий асослари соҳасидаги қарашлар иқтисодиёт назариясининг мумтоз асосчилари Дж.Кейнс, А.Лаффер, У.Петти, Д.Рикардо, А.Смит асарларида, солиққа тортиш назариясини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган ҳозирги замон хорижий иқтисодчи олимларидан С.Брю, П.Самуэльсон, К.Макконнел, Г.Менкью ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритилган[2].

Солиқ назарияси ва солиққа тортиш амалиётидаги муаммолар МДҲ давлатларининг иқтисодчи олимларидан И.Александров, А.Брызгалин, Л.Гончаренко, Е.Евстигнеев, А.Исаев, М.Косов, Т.Косарева, М.Кулишер, В.Князев каби иқтисодчиларнинг[3] илмий асарларида ёритилган.

---

[2]Петти У. Трактат о налогах и сборах.. – М.: Ось-89, 1997. – 346 с.; Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер.с англ. – М.: Соцэкгиз, 1962. – кн. 5 - 620 с. Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Сочинения, том I. – М.: Государственное издательство политической литературы, 1955. – 360 с.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 1999. -352 с.; Alexander Odishelidze and Arthur Laffer. Pay to the Order of Puerto Rico. Allegiance Press, USA, 2004. – 455 p. Макконнелл К.Р., Брю С.Л., Флинн Ш.М. Economics. М.: Инфра-М, 2011. – 1045 с.; Самуэльсон Пол А., Нордхаус Вильям Д. Экономика: Пер. С англ. – М.: «Бином», 1999. -800 с.; Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. 16-го англ. изд. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 940 с.; Менкью Н.Г. Принципы экономикс. – СПб: Питер Ком, 1999. – 784 с.

[3]Александров И.М. Налоги и налогообложение. Учеб.–М.: “Дашков и К”, 2009 –314 с.; Налоги и налоговое право. /Под. ред. А.В.Брызгалина. – М.: Аналитика-Пресс, 1998 – 608 с.; Евстигнеев Е. Налоги,

Солиқ назорати ва солиқ маъмуриятчилиги назарияси, методологияси ва амалиётининг айрим масалалари бўйича замонавий россиялик иқтисодчилардан А.Алиев, Х.Алиев, Р.Маргулис, Н.Савченко, С.Шлянкевич, Т.Тотикова ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар шуғулланганлар[4].

Мамлакатимиз миллий солиқ тизими ва солиққа тортиш амалиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган олим ва амалиётчи мутахассисларимиздан О.Олимжонов, О.Абдурахманов, Т.Маликов, Б.Ташмурадова, А.Жўраев, Ф.Мирзаев, Ш.Тошматов, Н.Қўзиева, А.Ваҳобов, Н.Хайдаров, М.Альмардонов, Б.Санақулова, Э.Гадоев, Ш.Гатаулин, И.Завалишиналарни ҳам мисол келтириш мумкин[5].

А.Жўраевнинг “Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари“ мавзусидаги докторлик тадқиқот иши давлат бюджети даромадларини шакллантириш борасидаги муаммоларни таҳлил қилишга бағишланган. Айнан ушбу тадқиқотда мамлакатимизда илк бор давлат бюджети солиқли даромадлари ижросида тўлов интизоми, солиқларни ундиришда бюджетга боқиманда қарздорлик масалалари тадқиқ этилган.

Ф.Мирзаевнинг “Ўзбекистонда солиқ йиғилувчанлиги даражасини ошириш йўллари” мавзусидаги номзодлик диссертацияси мамлакатимиз

налогообложение и налоговое законодательство. – СПб: Питер, 2001. – 336 с.; Исаев А. Очерк теории и политики налогов. – М.: ООО “ЮрИнфоР-Пресс”, 2003. – 270 с.; Косарева Т. Налогообложение организаций и физических лиц: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2014.; Кулишер М. Очерки финансовой науки. Петроград: книгоиздательство «Наука и школа», 1919. – 290 с.; Майбуров И. Налоги и налогообложение. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012.- 559 с., Миляков Н. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2008. -520 с.; Пансков В., Князев В. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. – М.: МЦФЭР, 2003. – 336 с.; Паскачев А.Б. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: Высшее образование, 2008, -384 с.; Пушкарёва В. История финансовой мысли и политики налогов. –М.: Финансы и статистика, 2003. – 256 с.; Соколов А. Теория налогов. –М.: ООО “ЮрИнфоР-Пресс”, 2003. – 506 с.; Тургенев Н. Опыт теории налогов. СПб,1818. – 216 с.; Тютюрюков Н. Налоговые системы зарубежных стран. Учебник. – М.: Дашков и К, 2009, - 250 с.; Черник Д. Налоги и налогообложение. Учебник. - М.: Юнити-Дана, 2010.; Юткин Т. Налоги и налогообложение. Учебник. 2-е изд. перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2002. -576 с.

[4] Алиев А.М. Совершенствование механизма налогообложения / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2011. – 21 с.; Савченко Н.Б. Совершенствование платежной дисциплины в механизме налогообложения предпринимательской деятельности / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2011. – 27 с.; Шлянкевич С.В. Усиление контрольной функции налогов в современном механизме налогообложения / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2012. – 29 с.; Алиев Х.Б. Развитие налогового контроля в РФ / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2012. – 23 с.; Маргулис Р.Л. Совершенствование системы налогообложения в РФ / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2010. – 25 с.; Тотикова Т.Е. Реформирование налогообложения и налогового контроля доходов физических лиц в России / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – Саратов.: 2012. – 21 с.

[5] Гадоев Э. ва бошқ. Солиққа оид хатолар. – Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1996. -128 б.; Гадоев Э., Қўзиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 281 б.; Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: ДСҚ, 1996. – 241 б.; Завалишина И. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2005. – 544 б.; Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: ”IQTISOD-MOLIYA”, 2019. – 408 б.; Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. – Т.: «НОШИР», 2012. – 712 б.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002. - 204 б.; Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия, 1999. – 254 б.; Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.; Тошмурадова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Хайдаров Н. Молия. 1-қисм. – Т.: Академия, 2001. – 185 б.; Қўзиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корҳоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: ”IQTISOD-MOLIYA”, - 296 б.

солиқ амалиётида солиқлар йиғилувчанлигини ошириш йўллари тадқиқига бағишланган.

Бироқ, ҳозирги кунда янги солиқ сиёсати доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда солиқларнинг йиғилувчанлигини таъминлаш йўлларини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси давлатнинг фискал мақсадлари ва солиқларнинг самарали амал қилиш механизми мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини яратиш масаласининг аҳамияти ўсди. Айнан мана шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикасида солиқлар йиғилувчанлигини ошириш йўналишларининг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришда янгича ёндашувнинг зарурлиги яққол кўзга ташланиб қолди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда солиқларнинг йиғилувчанлигини оширишга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

солиқлар йиғилувчанлигининг моҳияти, зарурлиги, омилларини илмий тадқиқ этиш;

солиқлар йиғилувчанлигини баҳолаш услубиётини ўрганиш;

солиқлар йиғилувчанлигини ошириш юзасидан хориж тажрибаларини ёритиш;

юридик шахслардан олинадиган солиқларнинг йиғилувчанлиги ҳолатини таҳлил қилиш;

ҳудудлар миқёсида солиқлар йиғилувчанлигини таъминлаш ҳолати таҳлилини ўтказиш;

солиқлар йиғилувчанлигини ошириш юзасидан солиқ назорати ижросини тадқиқ этиш;

солиқлар йиғилувчанлигини ошириш йўналишларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимидаги солиқларнинг йиғилувчанлиги олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, солиқлар йиғилувчанлигини ошириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида гуруҳлаш, қиёслаш, тизимли ва таркибий таҳлил, синтез ва коэффициент, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

солиқлар йиғилувчанлигини ошириш йўлларини ўзида жамлаган солиқ маъмуриятчилигининг янгича мазмунига мос тарзда солиқларнинг сўзсиз

оширувчанлик ва солиқ тўловчилар билан ошкора ҳамкорлик тамойиллари такомиллаштирилган;

хўжалик субъектлари томонидан амалга оширилган касса операциялари маълумотларини “онлайн” режимида мунтазам етказиб берувчи назорат-касса тизимини жорий қилиш ва счет-фактураларни рўйхатга олиш асосида солиқ маъмурчилиги такомиллаштирилган;

солиқ мажбуриятини ихтиёрий бажариш даражасини ошириш, солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатларини қисқартириш мақсадида муддатларида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун пеня миқдорини ошириш асосланган;

соғлом рақобат тизимини шаклланишига кенг имкониятлар яратиш, солиқ солиш базасини кенгайтириш ва солиқ тушумларининг ўсишини таъминлашда солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш ва самарасиз имтиёзларни бекор қилиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бюджет даромадларини шакллантириш ва солиқлар йиғилувчанлигини оширишга оид такомиллаштирилган тамойиллар ишлаб чиқилган;

солиқлар йиғилувчанлигини ўсишини таъминлаш мақсадида солиқ амалиётида қўлланиши лозим бўлган замонавий фискал воситалардан фойдаланиш тавсия этилган;

муддатларида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун пеня миқдорини ошириш орқали солиқ мажбуриятини ихтиёрий бажаришни таъминлаш ва тўлов интизомини бузиш ҳолатларини қисқартиришга қаратилган таклиф берилган;

солиқ тушумларини ўсишини таъминлаш, солиқ солиш базасида ҳисобга олиниши лозим бўлган имтиёзларни мониторинг қилиш асосида кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг амалий маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларни ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан солиқлар йиғилувчанлигини янада оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг давлат томонидан солиқлар йиғилувчанлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишда ҳамда бюджетнинг солиқли даромадларини белгилаш жараёнида қўллаши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

солиқлар йиғилувчанлигини ошириш йўлларини ўзида жамлаган солиқ маъмуриятчилигининг янгича мазмунига мос тарзда солиқларнинг сўзсиз оширувчанлик ва солиқ тўловчилар билан ошкора ҳамкорлик тамойилларини қўллаш юзасидан берилган таклифдан Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2019 йил 27 июндаги 14-18794-сон ҳамда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси “Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар” қўмитасининг 2018 йил 25 июлдаги 04/1-06-1672-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида солиққа тортиш амалиётида солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятини ихтиёрий бажариш даражасини ошириш, солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатларини қисқартириш имконияти яратилган;

хўжалик субъектлари томонидан амалга оширилган касса операциялари маълумотларини “онлайн” режимида мунтазам етказиб берувчи назорат-касса тизимини жорий қилиш ва счет-фактураларни рўйхатга олиш асосида солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сонли “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2019 йил 27 июндаги 14-18794-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш ҳисобига ўзаро муносабатлар шаффофлигини таъминлаш асосида солиқ назорати сифати оширилган, солиқ базаси кенгайтирилган, солиқ маъмурчилигининг такомиллаштирилиши таъминланган;

муддатларида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун пеня миқдорини ошириш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 120-моддасига ўзгартиришларда акс этган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2019 йил 27 июндаги 14-18794-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўламаганлиги учун жавобгарликка тортилганлар сони 15 фоизга камайган;

солиқ имтиёзларини қўллаш самарадорлигини мониторинг ва баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сонли “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида акс этган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2019 йил 27 июндаги 14-18794-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши билан солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлиги ортган, самарасиз имтиёзлар бекор қилиниши натижасида солиқ базаси кенгайган, йил якунига қадар 2,6 трлн. сўмга яқин тушум тушишига имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 24 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 4 та, нуфузли хорижий журналларида 1 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 26 та маъруза ва тезислар нашр этилган**.**

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган. Диссертациянинг **“Солиқлар йиғилувчанлигини оширишнинг назарий-ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида солиқлар йиғилувчанлигининг зарурлиги, омиллари, солиқлар йиғилувчанлиги даражасини баҳолаш услубиёти, жаҳон солиқ амалиётининг ривожланиш тенденцияларида солиқлар йиғилувчанлигини ошириш масалалари тадқиқ қилинган.

Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда мустақил солиқ сиёсати ишлаб чиқилди, унинг стратегик вазифалари аниқланиб, изчил такомиллаштирилиб борилмоқда. “Мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилингач, солиқ тизими модернизацияси амалга оширилиб келинмоқда ва бу шароитда давлатнинг самарали солиқ сиёсатини таъминлаш мақсадида “ҳалол (интизомли) солиқ тўловчиларни янада рағбатлантириш”, “даромадларни легаллаштириш ва “яширин иқтисодиёт” улушини камайтириш”, солиқ муносабатларида “солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг “ҳамкорликда ўсиш”га асосланган янги мулоқоти тизимига ўтиш”,“солиқ тизими ижтимоийлиги ва адолатлилигининг ўсиб бориши” каби мутаносибликларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш лозим”[6].

[6]Азизов У.Ў. Изчил солиқ сиёсати – иқтисодий ривожланиш омили. «Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга оширишда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. 6-б.

Давлат ўзининг олдига қўйган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун солиқларнинг йиғилувчанлигини таъминлаш зарур ҳисобланади. Давлат томонидан тегишли функцияларнинг бажарилиш зарурияти солиқларнинг ўз вақтида ундирилишини объектив зарур қилиб қўяди. Бу функцияларни молиявий маблағларсиз тўлиқ бажаришнинг иложи бўлмайди.

Солиқлар йиғилувчанлигининг аҳамияти бюджетдан ижтимоий ҳимояга, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишига, инвестицияларни молиялаштиришга, бошқарув органларини сақлашга, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга қилинадиган харажатларни ўз вақтида молиялаштириш билан белгиланади.

Солиқ Кодекси, бошқа қонуности ҳужжатларда солиқ йиғилувчанлигига таъриф берилмаган ҳамда солиқ йиғилувчанлигини аниқлаш тартиби белгиланмаган. Шу билан бирга, иқтисодий адабиётларда солиқлар йиғилувчанлигини таърифлашда ягона ёндашув йўқлигини кўришимиз мумкин.

Каролла Пессино ва Рикардо Феночиетто (Carola Pessino & Ricardo Fenochietto, 2016) тадқиқотларида қайд этилишича, “солиқ йиғилувчанлиги мамлакатда амал қилувчи молиявий қонунчилик асосида корхона солиқ тўловлари, имтиёзлари ва амалдаги солиқ режимидан самарали фойдаланиш асосида солиқ тушумлари реал ижроси ҳамда давлатнинг солиқли даромадлар асосидаги молиявий имкониятлари истиқболлари тушунилади”[7].

Жорж Чун-Ян Куо (George Chun-Yan Kuo, 2015) “солиқлар йиғилувчанлигини ҳозирги замон шароитида давлат солиқ хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши деб қараб, бунда солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлай олиш ёки давлатнинг даромад олиш қобилияти баланси эътиборда бўлиши лозимлиги”ни таъкидлайди[8].

Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисодий адабиётларда солиқ йиғилувчанлигини назарий асослашда бир неча илмий ёндашувлар мавжуд[9]:

Баъзи муаллифлар томонидан “солиқ йиғилувчанлигини солиқнинг фискал функциясидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи”[10] сифатида тушунтирилади.

Бир қанча муаллифлар “солиқ йиғилувчанлиги моҳиятини солиқ органлари фаолиятининг рейтинг кўрсаткичи”[11] сифатида эътироф этганлар.

---

[7]Pessino, C., & Fenochietto, R. (2016). Determining countries' tax effort.

[8]Kuo, C. Y. Estimation of Tax Revenue and Tax Capacity./ C. Y. Kuo//JDI Executive Programs.- 2015. – №. 2015-08.- 34p.

[9]Бердиева У.А. Иқтисодиётни эркинлаштиришда солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш йўллари./Молия,2019,№5, 107-115-б.

[10]Муталимова П.М. Урегулирование налоговой задолженности: комплексное решение // Российское предпринимательство. 2012. №22 (220). – с. 190-194; Гираев В.К. Комплексный подход к урегулированию налоговой задолженности // Казанская наука. 2013. №3. - с. 44-46 .

[11]Савинов И.Т. Налоговая задолженность: проблемы администрирования и пути регулирования // Региональные проблемы преобразования экономики. 2013. №3 (37). – с.210-213; Сиражудинова С.И. Повышение эффективности налогового администрирования на современном этапе. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н.. Владикавказ, 2017, с.7.

Бу ҳақиқатдаги солиқ тушумлари миқдорини ўша даврнинг энг кўп миқдори нисбати билан ҳисоб-китоб қилинади.

Бизнинг фикримизча, “Солиқлар йиғилувчанлиги – яхлит ташкилий-ҳуқуқий асосларда солиқ муносабатлари субъектларининг ҳамкорликда ўсишга эришиш орқали ихтиёрийлик асосида ўз солиқ мажбуриятларини бажариши орқали солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга ўз вақтида ва бир маромда тушишини таъминлаш жараёнидир” [12] .

Солиқлар йиғилувчанлигининг юқори ёки пастлиги солиқлар бўйича юзага келадиган бюджетга қарздорлик даражасига ҳам боғлиқ бўлиб, қарздорлик қанча кам бўлса, йиғилувчанлик даражаси шунча юқори бўлиши билан баҳоланади. Шунинг учун, бу икки кўрсаткич даражасига бир қатор омиллар таъсир қилади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

1. Солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлашни тўғри ташкиллаштирганлиги. Солиқ тўловчилар ўзларининг зиммасига юклатилган солиқ тўловларини тўлай олиши, солиқларни бир маромда, узлуксиз, белгиланган миқдорларда келиб тушишини таъминлайди, бу эса, бир вақтнинг ўзида прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишига таъсир қилади. Шу нуқтаи-назардан олганда, солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлашни тўғри ташкиллаштирганлиги солиқларнинг йиғилувчанлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

2. Солиқ тўловчилар солиқ маданиятининг ривожланганлиги. Солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятига ҳам боғлиқдир. Солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг бажарилиши, яъни уларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга олиниши, ҳисоботларни тузиши ва ўз вақтида тақдим этиши, солиқларни белгиланган муддатлардан кечиктирмай тўлаб бориши, солиқларнинг йиғилувчанлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга солиқ маданиятининг ривожланганлиги солиқлар бўйича қарздорлик вужудга келмаслигига ижобий таъсир кўрсатади.

3. Солиққа тортиш масалалари солиқ тўловчилар учун тушунарли бўлиши ва солиқ қонунчилигининг барқарорлиги. Солиққа тортиш масалалари солиқ тўловчилар томонидан тушунарли, аниқ ва содда бўлиши, ҳеч қандай иккиланишларига йўл қўйилмаслиги, солиқдан қочиш учун ҳеч қандай бўшлиқларнинг бўлмаслиги, солиқ қонунчилигининг кўп йиллар давомида ўзгармай туриши, улар томонидан ўзига юклатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарилишини таъминлайди, шу билан бирга солиқ тушумлари ортади, йиғилувчанлик таъминланади.

4. Идоралараро ахборот алмашиниш тизимининг етарли даражада такомиллашганлиги. Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ахборотни ўз муддатида тақдим этиш бўйича

[12]Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

масъулиятини кучайтириш, молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, ташқи манба маълумотлар базаларини шакллантиришда вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан идоралараро ахборот алмашиниш тизимининг етарли даражада такомиллашганлиги солиқлар ҳисобини юритиш сифатини оширади, бу ўз навбатида солиқ базасини кенгайтиришга олиб келади, давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг барқарор тушиб туришини таъминлайди.

5. Солиқ тўловчиларга самарали ва сифатли сервис хизматлари кўрсатишнинг ташкил этилганлиги. Солиқ тўловчиларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз интерактив ва ахборот хизматларининг кўрсатилиши, давлат солиқ хизматлари қошида маслаҳат марказларининг ташкил этилганлиги солиқларни ҳисоблаш, тақдим этиш ва тўлаш жараёнларини тезлаштиради ва натижада йиғилувчанлик ортади.

Бизнинг фикримизча, солиқ тушумларини прогноз қилиш самарадорлигига, солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўлаш мажбурияти қоидаларига оғишмай риоя қилинишига ҳамда солиқлар йиғилувчанлигини оширишга икки муҳим тамойил таъсир қилади:

1. “Бюджет учун таҳмин қила олишлик“ тамойили – ҳар қандай солиқ тури учун аниқ ҳисоблай олиш имконининг мавжудлиги.

Мазкур тамойил шуни англатадики, ҳар қандай солиқ тури учун унинг солиқ тўловчиси аниқ бўлган ҳолда, ставкалари ўзгаришсиз, имтиёзлар миқдори ва тўлаш тартиби аниқ бўлиб, солиқни ҳисоблашда, тўлашда солиқ тўловчига уни бир қанча вариантларда (яъни, солиққа тортиш тартибини танлаш ҳамда ҳисоблашда аниқлик етишмаслиги) талқин этиш имконини бермаслиги шарт. Солиқ тўловчилар томонидан солиқларни тўлашни қулай бўлиши, солиқ органлари томонидан эса прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда аниқликни юзага келиши лозим. Бу белгиланган прогноз кўрсаткичларини бажарилишини, солиқ тушумларини бир маромда тушишини таъминлайди, солиқдан қарздорлик пайдо бўлиш эҳтимоллигини камайтиради.

2. “Солиқнинг сўзсиз тўланувчанлиги“ тамойили – ҳар бир солиқни тўлашдан бўйин товлашнинг ҳар қандай имкониятлари максимал даражада камайтириш. Солиқ органлари солиқ муносабатларини амалга оширишда солиқ тўловчилар билан ҳамкорликда ишлаб, уларнинг солиқ тўлаш бўйича мажбуриятларини сўзсиз амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши керак.

Солиққа тортишнинг таклиф этилаётган ушбу икки тамойили, бизнинг фикримизча, солиқ тушумларини прогнозлаш жараёнини енгиллаштиради ва ҳар бир солиқ тўловчи томонидан солиқларни тўлаш мажбуриятига сўзсиз риоя этилишига имкон беради. Биз томондан таклиф этилган ушбу тамойиллар соҳа қонунчилигини такомиллаштиришда фойдаланилди ва янги лойиҳадаги солиқ кодексининг 10-моддаси “ Солиқ солишнинг аниқлилиги

ва солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ҳамкорлиги принципи”да ўз ифодасини топди.

Солиқлар йиғилувчанлигини солиқ турлари, солиқ гуруҳлари, тармоқлар кесимидаги корхоналар гуруҳлари, шунингдек, республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар солиқлари бўйича кўриш мумкин.

Солиқлар йиғилувчанлигини солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича тушган жами тушумларни, ҳисобланган жами суммаларга, яъни, мажбурий тўловлар, йиғимлар, пеня ва қўлланилган жарималарнинг умумий суммасига нисбати орқали топиш мумкин.

Солиқ йиғилувчанлиги даражасига ортиқча тўланган солиқ суммалари, жорий йилда қопланган олдинги йилларнинг солиқ қарзлари, ҳукумат қарорлари асосида ҳисобот даврида кечилган ва ҳисобдан чиқарилган қарздорлик миқдори, муддати узайтирилган қарздорлик суммалари, солиқ бўйича берилган имтиёзлар ҳам таъсир кўрсатади.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, аксарият давлатларда солиқлар йиғилувчанлигини оширишга қаратилган давлат тадбирлари таркибида – солиқ органлари фаолиятини самарали ташкил этилганлиги ҳисобланади.

Жаҳон солиқ амалиётининг ривожланиш тенденцияларида солиқлар йиғилувчанлигини ошириш тадбирлари Япония, Жанубий Корея ва Германия каби давлатларда “Public relations”, яъни жамоатчилик муносабатларини кенг шаклланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Японияда ҳудудий давлат солиқ идораларида телефон орқали 600 дан ортиқ солиқ маслаҳатчилари хизмат кўрсатади, солиқ хизмати ҳодимлари билан юзма-юз ҳолда, ёзма равишда ёки веб сайтлар орқали мурожаат қилган шахсларга ҳам алоҳида хизматлар кўрсатилади[13].

Барча қабул қилиш каналлари орқали олинган саволлар бошқарув тизимида тўпланади ва ҳар битта мурожаат мижоз ёки хизмат тури, савол ёки эътироз сабаби бўйича тегишли йўналишнинг махсус мутахассисига йўналтирилади. Жараён бошланиб солиқ тўловчи муаммосининг ечими топилгандан сўнг, марказ ушбу иш билан чегараланиб қолмасдан, юқоридаги муаммоларнинг келгусида такрорланишини олдини олиш мақсадида, барча ҳудудий ва маҳаллий солиқ идораларига ушбу ечимни электрон тарзда жўнатади.

Ҳар бир солиқ ходими махсус электрон базадан ушбу муаммо ва ечимлар билан танишади ва амалиётга тадбиқ этишга киришади.

Жанубий Кореяда эса Миллий солиқ хизмати таркибида солиқ тўловчилар билан ишлаш бўйича алоҳида Мижознинг талабини қондириш (солиқ тўловчилар мурожаатлари бўйича ишлаш) маркази ташкил этилган.

Кредит карточка орқали амалга оширилган айланмалар барчаси банк маълумотлари ва Давлат солиқ тизимининг маълумотлар базасида мавжуд бўлиб, харидор ва сотувчининг фаолияти назорат остида бўлади.

[13]Outline of Japanese Tax Administration,/ Seminar on Tax Administration./ February 15, 2010./ Tokyo /JICA.

Савдо ва пуллик хизматлар муомалаларини назорат қилиш тизимида CRS (cash receipt system) жорий этилган бўлиб, CRS нинг мақсади савдо, маиший хизмат ва бошқа пуллик хизматлар билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатиб, солиқдан бўйин товлаш ҳолатларини қисқартириш бўлган.

Савдо ташкилотларига нисбатан ушбу тизимга риоя этмасдан фаолият юритган ҳолатлари аниқланганда маъмурий ва молиявий жарималар жорий этилган. Давлат солиқ хизмати маълумотлар базасига жамланган маълумотлар хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ ҳисоботларини қабул қилишда ва фаолиятини назорат қилишда фойдаланилади.

Жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда биз томондан хўжалик субъектлари томонидан амалга оширилган касса операциялари маълумотларини “онлайн” режимида мунтазам етказиб берувчи назорат-касса аппаратларидан солиқ органларида фойдаланиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган ва бу таклиф амалиётга жорий этилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикасида солиқлар йиғилувчанлиги амалдаги ҳолатининг таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида юридик шахслар солиқ тўловлари бўйича йиғилувчанлик ҳолатининг таҳлили, ҳудудлар миқёсида солиқлар йиғилувчанлиги амалдаги ҳолатининг таҳлили, солиқлар йиғилувчанлигини ошириш юзасидан солиқ назорати вазифалари ижросининг таҳлили амалга оширилган.

Биз қуйида солиқ гуруҳлари бўйича солиқ йиғилувчанлиги даражасини таҳлил қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда солиқ гуруҳлари бўйича солиқ йиғилувчанлиги даражаси[14]

(фоизда)

Солиқ турлари	**2013 йил**	**2014 йил**	**2015 йил**	**2016 йил**	**2017 йил**	**2018 йил**	**2018 йилни 2013 йилга фарқи (+,-)**
Бевосита солиқлар	90,2	92,3	91,5	94,5	94,8	95,6	+5,4
Билвосита солиқлар	91,1	91,2	94,5	91,8	91,6	88,6	-2,5
Ресурс тўловлари ва мол- мулк солиғи	90,3	91,3	88,5	88,0	89,0	91,2	+0,9

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018 йилда 2013 йилга нисбатан бевосита солиқлар бўйича йиғилувчанликнинг 5,4 пунктга ўсиши, билвосита солиқлар бўйича солиқ йиғилувчанлигининг 2018 йилда 2013 йилга нисбатан 2,5 пунктга пасайиши, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича 2018

[14]Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

йилда 2013 йилга нисбатан 0,9 пунктга ўсиши кузатилган. Таҳлил натижаларидан шуни кўришимиз мумкинки, бевосита солиқлар бўйича солиқ йиғилувчанлигининг юқори кўрсаткични ташкил этишига сўнгги йилларда республикада юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ставкаларининг пасайтирилиши ҳисобига солиқ тўловчилар сонинг ўсиши, солиққа тортиладиган базанинг кенгайиши, солиқларни ўз вақтида тўланиши сабаб бўлган бўлса, қўшилган қиймат ва акциз солиғи бўйича жорий солиқ қарзлари мавжудлиги, бу солиқ турлари бўйича йиғилувчанликни пасайишига сабаб бўлган. Ресурс тўловлари бўйича солиқ тўловчилар сонининг кўпайиши ва солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, солиққа тортиладиган базанинг кенгайишига қарамай, ушбу солиқ турлари бўйича боқиманда қарздорликни йиллар давомида ортиб бориши йиғилувчанликни жуда кам миқдорда ортишига сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикасида солиқ ислоҳотларини амалга ошириш тадбирлари доирасида эришилган натижаларга тўхталадиган бўлсак, “2019 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида бюджетга 59,7 трлн.сўм тушум келиб тушиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 157,5%га (37,9 трлн.сўмга) ўсишга эришилди. Бу қуйидаги солиқ турлари бўйича:

ҚҚС тўловчилар сони, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 76,6 мингтани ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан (6,7 мингта) 11 баробарга ошди. 17,3 трлн.сўм тушум таъминланиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 181,6 % ўсди;

мол-мулк солиғи тўловчилар сони йил бошига 9,3 мингтани ташкил қилиб, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 65 мингтага етди, яъни 7 бараварга ошди;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар сони йил бошига 3,4 мингтани ташкил қилиб, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 50,9 мингтага етди, яъни 15 бараварга ошди. Тушум эса 237,0 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига (72,1 млрд.сўм) нисбатан 165,0 млрд.сўмга ёки 3 бараварга ўсди;

ер солиғи тўловчилар сони йил бошига 12,9 мингтани ташкил қилиб, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 74,7 мингтага етди, яъни сони 6 бараварга ошди. Тушум эса 838,4 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига (399,8 млрд.сўм) нисбатан 438,7 млрд.сўмга ёки 2 бараварга ўсди”[15].

Энди таҳлил жараёнини янада аниқлаштириш максадида, мамлакатимиз миқёсидаги юқоридаги хулосаларни Тошкент шаҳри солиқ амалиёти маълумотлари асосида ўрганиб чиқамиз.

Қуйида кўрсатилган 2-жадвал маълумотларига кўра, 2018 йилда 2013 йилга нисбатан бевосита солиқлар бўйича йиғилувчанликнинг 0,7 пунктга камайиши, билвосита солиқлар бўйича солиқ йиғилувчанлигининг 2018 йилда 2013 йилга нисбатан 18,1 пунктга пасайиши, ресурс тўловлари ва мол-

[15]Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

мулк солиғи бўйича 2018 йилда 2013 йилга нисбатан 3,3 пунктга пасайиши кузатилган. Бундай ҳолатнинг сабаблари сифатида бевосита солиқлар бўйича солиқ йиғилувчанлиги даражасининг нисбатан юқори кўрсаткични ташкил этишига сўнгги йилларда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ставкаларининг пасайтирилиши ҳисобига солиқларни бюджетга тўлалигича тўланаётганлиги бўлса, билвосита солиқлардан қўшилган қиймат солиғининг ставкаси ўзгаришсиз қолгани ҳолда, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ қарздорлигининг юқорилиги сабабли вужудга келганлигини таъкидлаш мумкин.

2-жадвал

Тошкент шаҳрида солиқ гуруҳлари бўйича солиқ йиғилувчанлиги даражаси[16]

(фоизда)

Солиқ турлари	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилни 2013 йилга фарқи (+,-)
Бевосита солиқлар	98,3	96,8	110,4	104,0	106,4	97,6	-0,7
Билвосита солиқлар	111,2	101,6	92,3	101,4	97,5	93,1	-18,1
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	99,3	102,2	101,8	105,4	102,8	96,0	-3,3
Бошқа даромадлар	94,3	95,2	94,8	95,4	96,8	94,2	-0,1
Жами:	103,9	100,5	103,3	100,9	103,1	96,1	-7,8

Таҳлил жараёнини янада аниқлаштириш мақсадида солиқлар йиғилувчанлигини, Тошкент шаҳри ҳудудлари солиқ амалиёти маълумотлари асосида ўрганиб чиқамиз.

Тошкент шаҳри бўйича солиқлар йиғилувчанлиги динамикасидаги 2013-2018 йиллардаги ўзгаришлари маҳаллий солиқ органлари фаолияти натижаларига баҳо бериш учун муҳим ҳисобланади.

2018 йилда солиқ йиғилувчанлиги нисбатан юқори бўлган, ўртача (2018 йилда 96,1) ва ушбу даражадан паст бўлган туманларни ажратиш мумкин. Ушбу даражанинг ижобийлиги ва ўртачадан юқори миқдори қуйидаги туманларда кузатилди: Шайхонтохур туманида 98,9%, Чилонзор туманида 97,9%, Олмазор туманида 97,7%. Ўртача даражадан анча ортда қолган ва салбий баҳолаш лозим бўлган туманларга қуйидагилар киради: Сергели тумани 92,7%, Миробод тумани 94,7%.

[16]Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

3-жадвал

Тошкент шаҳри туманлари бўйича солиқлар йиғилувчанлик даражаси[17]

(фоизда)

Туманлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилни 2013 йилга фарқи(+,-)
Миробод	109,5	98,6	104,0	93,7	99,1	94,7	-14,8
Мирзо.Улугбек	102,6	84,4	108,7	97,2	102,5	97,8	-4,8
Юнусобод	113,0	97,8	97,8	103,5	100,7	96,9	-16,1
Яккасарой	88,4	103,1	114,1	110,5	101,6	97,2	-8,8
Шайхонтохур	107,0	110,8	102,9	96,1	113,5	98,9	-8,1
Чилонзор	108,8	94,6	97,5	101,2	108,5	97,9	-10,9
Сергели	110,3	105,5	97,1	103,6	94,1	92,7	-17,6
Яшнобод	112,7	103,7	96,7	100,7	101,4	95,8	-16,9
Олмазор	85,8	98,4	103,9	102,5	105,5	97,7	-11,9
Учтепа	113,7	103,4	105,6	105,3	103,4	96,1	-17,6
Бектемир	102,3	108,7	93,2	98,8	100,5	95,7	-6,6
Жами Тошкент шаҳри бўйича:	103,9	100,5	103,3	100,9	103,1	96,1	-7,8

Таҳлил жараёнини янада чуқурлаштириш мақсадида, 2013-2018 йилларда солиқлар бўйича тушумлар ҳамда улар бўйича юзага келган қарздорлик умумий ҳолатини Тошкент шаҳри ва унинг Юнусобод тумани бўйича таҳлил қиламиз.



1-расм. Тошкент шаҳри солиқ тушумлари ва солиқ қарзи динамикаси[18]

[17]Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
[18]Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

.

Расм маълумотларидан кўринадики, 2013-2018 йиллар давомида Тошкент шаҳри бўйича солиқ қарздорлиги мавжуд хўжалик юритувчи субъектлар сони 2490 тага ошган (6468-3978), жами солиқ қарзи эса 1644 млрд. сўмга (474,9–2118,9) камайган, жорий (асосий) солиқ қарзи 222,7 млрд.сўмга (333,8 –111,1) ошган, тўлов муддати узайтирилган солиқ қарзи эса 1866,7 млрд сўмга (141,1–2007,8) камайган. Демак, шундай хулоса қилиш мумкинки, қарздорлар сони ва суммаси кўпайиши натижасида солиқлар йиғилувчанлиги ўтган йилларга нисбатан паст даражани ташкил этган.



2-расм. Юнусобод тумани солиқ тушумлари ва солиқ қарзи динамикаси[19]

Юнусобод тумани бўйича эса, ушбу даврда солиқдан боқиманда қарз хўжалик юритувчи субъектлар сони 346 тага ошган (811-465), жами солиқ қарзи эса 3,6 млрд. сўмга (24,5 – 20,9) ошган, жорий (асосий) солиқ қарзи 20,8 млрд.сўмга (24,4 – 3,6) ошган, тўлов муддати узайтирилган солиқ қарзи эса 17,2 млрд сўмга (0,1 – 17,3) камайган.

Ушбу даврда солиқдан қарз суммага эга бўлган солиқ тўловчилар сонининг, ҳамда жорий солиқ қарзининг ортиши натижасида йиғилувчанлик ўтган йилларга нисбатан паст даражани ташкил этган.

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, солиқ қарздорлигини солиқ тушумлари умумий хажми билан қиёсий тарзда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

[19]Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

4-жадвал

Тошкент шаҳри ва Юнусобод туманида 2013-2018 йилларда жорий солиқ қарзи ва бюджетга солиқ тушумларининг нисбати[20]

Йиллар	Тошкент шаҳри		Юнусобод тумани		Жорий солиқ қарзининг тушум суммасига нисбати, (фоизда)	
	Тушум, млрд.сўм	Жорий солиқ қарзи, млрд.сўм	Тушум, млрд.сўм	Жорий солиқ қарзи, млрд.сўм	Тошкент шаҳри	Юнусобод тумани
2013 йил	5 320,5	111,1	786,1	3,6	2,1	0,5
2014 йил	6 523,7	62,8	939,2	10,1	1,0	1,1
2015 йил	8 140,9	30,6	1237,4	1,1	0,4	0,1
2016 йил	9 407,5	23,8	1517,4	3,0	0,3	0,2
2017 йил	10 663,7	22,9	1712,7	5,0	0,2	0,3
2018 йил	18 976,0	333,8	2 697,6	24,4	1,8	0,9

Жадвал маълумотларидан кўринишича, жорий (асосий) солиқ қарзининг солиқ тушумлари умумий ҳажмига нисбати Тошкент шаҳри бўйича 2013 йилдаги 2,1 фоиздан 2018 йилдаги 1,8 фоизга тушганини, 2018 йилда солиқ тушумларининг 5320,5 млрд. сўмдан 18976,0 млрд.сўмга ёки 3,5 марта ошганлиги кўриш мумкин.

Юнусобод тумани бўйича эса ушбу кўрсаткич 0,5 фоиздан 0,9 фоизгача ёки деярли 1,8 баробар ўсган. Жорий солиқ қарзининг солиқ тушумлари умумий ҳажмига нисбатининг ўсиш тенденциясига эга бўлиши, бу солиқ қарздорлари сони ўсиб бориши изоҳланади, бу албатта, салбий баҳоланади. Солиқ қарзларининг йиллар давомида ўсиб бориши хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўлов интизомига етарлича риоя этмаётганлигидан далолат беради. Муддатларида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун пеня миқдорини ошириш орқали солиқ мажбуриятини ихтиёрий бажаришни таъминлаш ва тўлов интизомини бузиш ҳолатларини қисқартириш мақсадида биз томондан таклиф ишлаб чиқилди ва у амалиётга татбиқ этилди.

Тадқиқотнинг **“Солиқлар йиғилувчанлигини ошириш йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида давлатнинг солиқ сиёсати истиқболларида солиқлар йиғилувчанлигини ошириш имкониятлари, солиқлар йиғилувчанлигини ошириш мақсадида солиқ назорати сифатини ошириш йўналишларига оид илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

[20]Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Солиқлар йиғилувчанлигини ошириш мақсадида солиқ амалиёти учун муҳим тадбирлар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1.Солиқларнинг йиғилувчанлиги даражасини оширишда замонавий интерактив тизимларни самарали ташкил этиш лозим.

Интерактив тизимларни самарали ташкил этилиши натижасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобини юритишни марказлаштирилиши турли шаклдаги тезкор ва таҳлилий ҳисоботларни шакллантириш имкониятини яратади, солиқ тўловчиларга замонавий интерактив хизматлар кўрсатишнинг йўлга қўйилиши натижасида, солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашда маълумот алмашиниши осонлашади, солиқ тўловчилар мажбуриятларининг пайдо бўлиши бўйича вазирлик ва идоралардан турли йўналишдаги маълумотлар олиниши ташкил этилиб, Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар ягона ахборот базасига интеграциялаштирилишига ва ташқи манба маълумотлари асосида қўшимча солиқ объектларини ҳисобга олиш имконияти юзага келиши ва бунинг натижасида бюджетга солиқли тушумлар миқдори ошишига олиб келади.

Бугунга келиб, яна 16 та янги электрон хизмат турлари жорий этилди. Булар - шахсий кабинет орқали электрон счет-фактураларни расмийлаштириш, кўчмас мулк ижара шартномаларини ҳисобга олиш, солиқ тўловчининг тақвими, тадбиркорлик субъектларнинг солиққа оид ҳуқуқбузарликларини тўғрисидаги хабарларини қабул қилиш кабилардир.

“Кўчмас мулк ижара шартномаларини электрон тарзда ҳисобга қўйиш ва тўлов хабарномасини шахсий кабинетга юбориш электрон давлат хизматини йўлга қўйиш натижасида бугунги кунга қадар 44,6 мингта шартномалар электрон тарзда ҳисобга қўйилди”[21].

2. Хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш борасида, аввало, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш лозим.

Хўжалик субъектлари томонидан амалга оширилган касса операциялари маълумотларини “онлайн” режимида мунтазам етказиб берувчи назорат-кассасидан солиқ органларида фойдаланиш қатор салбий ҳолатларнинг жумладан, нақд пул тушумларининг камайиши, харидорларга чекларни бермаслик, фискал хотирали машиналар маълумотларини ўзгартириш, ускуна йўқолган тақдирда товар айланмаси ҳақидаги маълумотларни сохталаштириш кабиларнинг олдини олиш имконини беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 февралдаги 150-сонли қарорига асосан, 2019 йил 1 мартдан 30 июнга қадар Тошкент шаҳрида тажрибавий синов тариқасида онлайн назорат-касса машиналари қўлланиши амалиётга тадбиқ этилди. “Синов жараёнларида турли йўналишларда фаолият олиб борувчи 203 та савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари ихтиёрийлик

[21]Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

